

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ

САНЪАТГА ФИДОЙИ ИНСОН

Раззоқ Ҳамроев таваллудининг  
100 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2010

**78.342**  
**С 30**

*Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди*

Тузувчи	Г. Якумбаева
Мухаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Санъатга фидойи инсон: Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: методик-библиографик қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Г. Якумбаева; Мухаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. – 30 б.

**КБК 78.342+85.37(5Ў)**

Ушбу методик-библиографик қўлланма Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр, актёр Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган. Қўлланма адиб ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар ходимларига ёрдам бериш, қолаверса, келгусида режиссёрлик, актёрлик маҳоратини ўрганувчи китобхонларга актёр ва режиссёр тажрибаларидан келиб чиқиб иш кўришларида туртки бўладиган манба бўлиши назарда тутиб тузилган.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2010 й.

## Сўзбоши

Театр ва кино санъатининг атоқли намояндаларидан бири, катта истеъдод эгаси, актёр ва режиссёр Раззоқ Ҳамроев ўз ижодиёти нафис санъати ҳаммага манзур бўла олган ижодкорлардан эди. Ярим аср мобайнида у театрда ранго-ранг образлар яратиб, хилма-хил спектаклларни сахналаштирди ва кинода бир қатор ролларни ижро этиб, маданий хазинамизнинг бойишига баракали ҳисса қўшди. Санъати доврўғининг янада кенг ёйилишига катта хизматлар қилди. У узоқ йиллик самарали изланишлари маҳсули ўлароқ актёрнинг маҳорати ва режиссура жабҳаларида ўзига хос мактаб яратган тенгсиз санъаткордир.

Ўзбек халқининг улуғ шоири, буюк мутафаккири, йирик давлат арбоби, ҳазрати Алишер Навоийдек буюк инсон образини ажойиб замонамиз қаҳрамонлари сиймоларини яратган Раззоқ Ҳамроев бутун умри давомида ўзининг санъатга фидойи инсон эканлигини ҳар томонлама кўрсатди.

Унинг хоҳ театр сахнасида, хоҳ кинода бўлсин, яратган барча сиймолари миннатдор мухлислари қалбида сақланиб келмоқда. Умуман, иқтидорли актёр сахнада – ўзбек ва қардош давлатлар драматурглари яратган пьесаларида 100 дан ортиқ ролларни ижро этди. Инсонийлик, умумбашарий муҳаббат, яратувчанлик ва эзгуликни тараннум этган, неча ўнлаб сахна ва экран асарларида сўнмас сиймолар яратган Раззоқ Ҳамроевнинг ўзи ҳам ноёб иқтидори, беназир ижрочилик санъати билан маданий ҳаётимизда ўчмас из қолдириб, мангуликка юз тутди. Раззоқ Ҳамроев ўзбек театри ва кино санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бетакрор истеъдодини юрт иқболи, миллат тараққиётига бахшида этган фидокор инсонлардан бири эди.

2010 йилда кино ва театр актёри Раззоқ Ҳамроев таваллудига 100 йил тўлди. Санъат даргоҳлари қаторида ахборот-кутубхона муассасаларида ҳам бу сана нишонланади. Бунда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Раззоқ Ҳамроев ижодига бағишлаб қўплаб тадбирлар ташкил этишлари мумкин.

Бундай тадбирларга санъаткорлар, актёрлар, халк артистлари, театршуносларни жалб қилиш мумкин. Шунингдек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, киностудиялар ҳамда театр жамоаси вакиллари билан ҳамкорлик қилишларини маслаҳат берамиз.

### **Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва ижоди (1910–1981)**

Дунёда ҳамма нарса унутилади,  
Паришон тўзонлар кўмиб кетади...  
Аммо икки нарса қолур абадий:  
Дононинг сўзию ботирнинг иши,  
Минг йиллар ўтса ҳам ўлим билмайди  
Яхши сўз, яхши иш қилолган киши...

Фирдавсий

Саҳна ва кино санъатининг таниқли намояндаси, машҳур актёр ва атоқли режиссёр Раззоқ Ҳамроев ўз ижодиёти, нафис санъати ҳаммага манзур бўлган юксак маҳорат эгаси эди.

### **Болалик йиллари**

Раззоқ Ҳамроев 1910 йил 30 ноябрда таваллуд топди. Болалик йиллари Бухорога қарашли Эшонгузар қишлоғида ўтди. У ёшлигидан санъатга ихлос қўйиб, қизиқчилар ва дорбозлар маҳоратига ҳавас билан боқарди. Уни, айниқса, Насриддин Афанди латифалари мафтун этганди. Раззоқжон ўсмирлик чоғларидаёқ Хўжа Насриддин бўлиб, турли хангомаларни кўрсатарди, эшакка ўтириб олиб қизиқчилик қиларди. Тақдирни қарангки, кейинчалик кино санъати устаси бўлиб танилгач, Раззоқ Ҳамроев “Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари” бадиий фильмида бош қаҳрамон – Насриддин Афандини зўр маҳорат билан яратиб, жаҳондаги кўпгина мамлакатларда доврўғ таратди.

## Ёшлик

“Оилам хақида тўрт оғиз сўзласам. Отам Ҳамро Раҳмонкуловнинг ҳикоя қилишларича, отамларнинг оилалари ҳам серфарзанд бўлган экан. Бобомиз Раҳмонкул қишлоқда тегирмончилик қилар, жўжабирдай болаларини боқишга қийналиб, дадамни қишлоқнинг мактабдор домласига хизматкор қилиб берган. Дадам ёш вақтида шу отин бувига югурдаклик қилиб, хат-саводини чиқариб олган. Шу туфайли бўлса керак, дадамиз болаларни имкон борича саводли қилишга интилганлар.

Катта акам Абдурахмон Ҳамроев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, тарих фанлари номзоди, 50 йилдан ошиқ умрини ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган заҳматқаш.

Кичик акам Абдурахим ниҳоятда истеъдодли бўлган. Академик Обид Содиков, академик Набиевлар билан бирга таҳсил кўриб, дорилфунунни битирар йили фожиали ҳалок бўлди.

Синглим Марямхон масъул партия ходими бўлиб ишлади.

Энди ўзимга қайтсам... Онам вафотидан кейин рўзғор опам Зайнабхон қўлида қолди. Уч ойлик кенжа укам Абдурашидни катта қилиш ҳам шу киши зиммасига тушди. Мен опамнинг қўлоғи эдим. Кеч даладан – чўпонликдан бўшаб келдимми, у кишига қарашардим.

Менинг оиламни санъаткорлар оиласи, дейишади. Бунда ҳақиқат бор, албатта. Менинг ҳаётимни ҳар бир нафаси санъатга бўлган муҳаббат, меҳр билан тўлалиги туфайли бўлса керак, оиламдан бир гуруҳ санъаткорлар етишиб чиқди:

Қизим Гули – Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театрининг етакчи раққосаси.

Рафикам Раҳбархон Бойдада қизи “Ўзбекфильм” киностудиясининг монтажчи режиссёри сифатида фаолият олиб борган, унинг қўлида 50 дан ортиқ кинофильмлар сайқал топди.

Келиним Мукаррам – Муқимий номли Ўзбек Давлат музыкали театр раққосаси ва балетмейстери.

Набирам Бехзод ўнлаб кинофильмларда ўйнаб ўз маҳоратини намойиш қилди, ҳатто 9 яшар кенжа набирам Гўзал

ажойиб бир фильмда бош ролни муваффақият билан ижро этди. “Санъаткорлар оиласи” деган ном билан фахрланаман ва уларнинг янги-янги марраларни эгаллаб, театр, кино мухлисларининг хурматига сазовор бўлишларига асло шубҳа қилмайман”.

### **Талабалик**

“Билим юртида ҳамкорлик, дўстлик, интизом яхши йўлга қўйилган эди. Дарс тайёрлаш ҳам синф раҳбари ёрдамида бутун бир синф иштирокида ўтарди. Дарсни қийин ўзлаштирган талаба ёнида доим бир аълочи ёрдамда бўларди. Билим юрти бизга нафақат илм берувчи бир макон, у бизнинг жонажон уйимиз ҳам эди, куннинг 24 соати шу ерда кечарди. Синф, ётоқхона намунали даражада тоза ва бежирим бўлиши керак.

Санъатга бўлган меҳрим мени драмтўгаракка олиб келди. Бўш вақтимни тўгарак машғулотларига бағишладим. Икки йил (1925–1926) тайёргарлик синфларида таълим олдим. 1927 йилдан асосий синфга кўчгач, драмтўгарагидаги вақтим яна самаралироқ ўта бошлади. Дарвоқе, бир ажойиб ҳодисани, умримда из қолдирган бир воқеани айтиб ўтай.

Кўпроқ ҳар хил шарқийлар (қўшиқлар) ўрганардик. Драма тўгарагида аввал Д. Фурмановнинг “Исён” деган пьесасини саҳналаштирдик. Бу спектакль билан билим юрти драмтўгарагининг шуҳрати бутун Тошкентга тарқалди. Ҳатто спектаклимиз бир марта “Колизей”да (кейинчалик филармония биноси) да намоиш қилинди. Асарни Собир Муҳамедов таржима қилган эди. Асарни тўгарак раҳбари, ихтисосли режиссёр И. П. Романенко саҳналаштирди. Мен биринчи катта ролни – Шаҳобиддинни катта завқ ва мароқ билан ўйнадим. Раҳбаримиз, билим юртида таҳсил кўраётган катта синф талабалари ва ўқитувчиларнинг ижобий баҳоларини эшитиб, санъатга бўлган ишқим яна аланга олди, қувонганимдан кечалари ухламай чиқардим.

Санъат зинапояларининг мен учун энг зарури ва қалбимни театр санъатига бутунлай мафтун этган дақиқа – “Кўк кўйлак” труппасига киришдан бошланди. Бу труппа ўша вақтларда

(1927–1929) жуда машхур бўлиб, ташвиқий-тарғибий вазифаларни халққа етказишда муҳим роль ўйнади”.

### **Наманган театрида**

“Наманган театрида ўтган ҳаётим ва ижодий изланишларимни айтишдан илгари, бу шаҳарга келиб қолишим тарихини ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Ўлка ўзбек эрлар билим юртини битиришдан олдин, 1929 йили бизни – мен ва синфдошим Соатали Мақсудов икковимизни тажриба ўтказиш мақсадида Наманганга юбордилар. Бу ерда ўша йили муаллимларни қайта тайёрлаш курси очилган экан. Жуда кўп сонли бўлгани учунми, у курсни “Икки мингчилар курси” деб аташарди. Уч ой курсда адабиёт ва тил дарсини олиб бордим. Курснинг муддати тамом бўлгач, яна Тошкентга қайтиб келдик. Уч ойлик ишим вақтида Наманган халқи, унинг ажойиб меҳмондўстлиги, хушмуомалалиги, одоб-эҳтироми мени мафтун этди. Курсдаги атроф туман, қишлоқлардан келган муаллимлар ҳам содда, хушфёъл, одамохун кишилар эди. Ундан ташқари, шаҳар ҳам ўзининг дилбарлиги, боғларидаги гуллар дунёси, тўкин мева, ариқларида шарақлаб оқиб турган сувлари, тангадек офтоб нурини ҳам ўтказмайдиган соя-салқин азамат чинорлари сира-сира кўз олдимдан нари кетмади. Шунинг учун бўлса керак, 1930 йили билим юртини битиргач, шу ерга юборишларини илтимос қилдим. Бахтимга илтимосимни қондирдилар. Шундай қилиб, 1930 йили Наманганга муаллим бўлиб келдим.

Ёшлиқ қизиқ бўлар экан. Айниқса, ёш юракда бир эзгу истак жўш уриб турган бўлса, ўшанинг кетидан қувгинг, гоҳ фалакка парвоз этгинг, гоҳ қуюндек кезгинг келар экан”.

1931 йили ўн саккиз муаллимдан иборат драмтўғарак асосида Наманган вилоят театри ташкил топди ва Раззоқ Ҳамроев унинг ташаббускорларидан бири бўлди. Кўп ўтмай “Меҳнат эгалари”, “Баҳор тўлқини” сингари кичик ҳажмли пьесалар ёзиб, уни маҳаллий драма тўғарагида ўзи сахналаштирди ва иштирок этди. Спектакллар томошабинларда

катта қизиқиш уйғотди. Натижада 1931 йилнинг 15 июнида ўн саккиз нафар истеъдодли ўқитувчи-санъаткорлардан иборат ҳақиқий давлат театри ташкил топди.

Раззоқ Ҳамроев Наманган театрида 1931–1945 йилларда актёр ва режиссёр, кейинчалик эса бош режиссёр ҳамда бадий раҳбар бўлиб ишлаган. Турли муаллифларнинг асарларида бири-бирига ўхшамас ролларни ижро этган, қатор спектаклларни муваффақиятли сахналаштирган. Хуршиднинг “Фарход ва Ширин”идаги Хисрав, С. Абдулланинг “Тоҳир ва Зухра”идаги Нозим образлари актёрнинг профессионал сахнасида илк бор ўйнаган ролларидир.

Кейинчалик Раззоқ Ҳамроев мазкур театрда намойиш этилган Гоголнинг “Ревизор”идаги шаҳар ҳоқими, Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”идаги Фердинанд, Ян ва Чўлпонларнинг “Хужум”идаги Эшон, Умаржон Исмоиловнинг “Рустам”идаги бош қаҳрамон, Яшиннинг “Ёндирамит”идаги Саримсок ролларини маҳорат билан ижро этиб, ном таратган.

### **Муқимий театрида**

“Истеъдод ижодкорга ташқи шуҳрат кетидан қувиш учун берилмайди, албатта. Ижодкор ўз истеъдоди билан ажойиб нафосат, қалбидаги гўзалликни инсонларга бахшида этиб, кишиларни улкан ҳис-туйғулар дунёсига олиб кирсин, уларнинг онгини катта билим билан бойитсин, бахтли келажак, буюк мақсадлар сари одимлашда илҳомлантирсин. Бу жараён тўла рўёбга чиқиши учун ижодкорнинг ўзи шундай улкан тафаккур, ҳиссиётга, катта маданиятга эга бўлмоғи даркор.

Муқимий театридаги фаолиятим, режиссёрлик ва актёрлик изланишларим юқорида айтилган ҳақиқатларга суяниб давом этди. Театрда ишлаб туриб, 1950 йилдан 1954 йилгача Театр санъати институтида таҳсил кўришим шу меҳнат, ғайрат самарасида рўёбга келди. 500 дан ортиқ кинофильмларнинг дубляжида атоқли артистларнинг овозини беришга тўғри келди. Ҳам ўқиб, ҳам театрда ишлаб, шу ўртада бу машаққатли дубляж ишида иштирок этиш осон эмас эди, аммо астойдил ҳошиш,

меҳнат, ғайрат ҳамроҳингиз бўлса, битмайдиган, бажарилмайдиган иш бўлмас экан...

Биринчи бор 1945 йили Тошкент киностудиясида ишлаб турганимда, Муқимий театрининг директори Мамажон Раҳмонов (ҳозир йирик олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор) мени ҳузурига таклиф қилди. Орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Раззоқжон, энди киночи бўлиб кетдингизми? Театрда шунча ишлаб, Наманган театридай йирик бир театрға 15 йил ҳаётингизни бағишлагандан кейин... Албатта, киноактёрлик – катта иш, аммо сиз режиссёр ҳамсиз-ку. Театрни соғинмадингизми?

– Соғиндим.

– Театрға келинг, киноға ҳам, керак бўлса, жавоб берамиз, роль чикқанда ўйнайверинг. Мен сизни режиссёр ва актёр сифатида таклиф қиляпман. Раҳбар ўртоқлар ҳам шу фикрда, нима дейсиз?

– Майли. Мана, Навоий съёмкаси охирлаб қолди, тугатай, кейин жоним билан...

– Бўлмаса, мана буни ўқиб кўринг. 1946 йил 1 январдан буйруқ бераман, бизнинг ходимимиз бўласиз. Бу нарса – пьеса, аммо мусиқали драма эмас, опера учун либретто. Негадир Навоий театр раҳбарларига ёқмабди. Сиз кўринг. Агар мусиқали драма қилиш мумкин бўлса, режиссёр сифатида биринчи ишингиз шу пьесадан бошлансин.

– Эй, Уйғун домланики-ку!

– Ҳа, Уйғун домланинг асари. Мен у киши билан гаплашдим. Сизни айтсам, хурсанд бўлдилар. Қандай истак бўлса, асарни бизнинг талабимиз бўйича, қайтадан ишлаб берадилар. Композитор ҳам тайёр, Манас Левиев. Эртагача ўқиб, фикрингизни айтсангиз, биз уларни чақирамиз. Ҳамкорликни бошлаб юборасиз, розимисиз?

– Раҳмат. Қани, ўқиб кўрайлик-чи?

Биз хайрлашдик. Мен либреттони қўлтиқлаб чиқиб кетдим.

Шундай қилиб, Муқимий театридаги фаолиятим бошланиб кетди. Шу муносабат билан биринчи бор Ўзбекистон халқ

шоири, улкан драматург Уйғун билан ижодий мулоқотда бўлдим”.

1946 йилдан бошлаб то умрининг охиригача Раззоқ Ҳамроев Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида ижод қилди. У театрнинг етакчи актёрларидан бўлиб хизмат қиларкан, ўнлаб бадиий санъатимиз тарихи зарварақларини бойитди. Театр санъати мухлислари қалбидан чуқур ўрин эгаллаган етук сиймолар силсиласида Труфальдино (Гольдони – “Икки бойга бир малай”), Ҳамза (Комил Яшин, А. Умарий – “Ҳамза”), Мальволио (Шекспир – “Ўн иккинчи кеча”), Алишер Навоий (И. Маҳсумов – “Навоий Астрободда”) кабилар бордир. Унинг ижросидаги Муқимий (Т. Жалилов, С. Абдулла, Г. Мушель – “Мавлоно Муқимий”) актёрга катта шуҳрат келтирган роллардан бири бўлди, у театр тарихига жиддий ютуқ сифатида кирди. Раззоқ Ҳамроев “Навоий – Астрободда” мусиқий драмасида яратган Алишер Навоий сиймоси ҳам ўзбек сахна тарихида чуқур из қолдирди.

Ҳаммаси бўлиб санъаткор сахнада 100 дан зиёд ролларни ижро этган. Бу образлар ўз таржимаи ҳоли, яшаб, ҳаракат қиладиган даври, шароит ва муҳити, сиёсий ҳамда ижтимоий масхаби, интилишлари, характери билан бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, аммо бу Раззоқ Ҳамроев маҳорати билан мужассам этилганлиги билан яққол кўзга ташланиб турарди. Юзта образ, демак, юз хил мураккаб ҳаёт. Уларнинг ҳар бирига жон, дард ато этиш, фалсафий мушоҳадалар бахш этиш, характер чизгиларини аниқ саралаш ва тузиш, имо-ишора, шева, зарур талаффуз топиш – буларнинг ҳамма-ҳаммаси жиддий сабот, ўткир маҳорат, катта иқтидор, бир олам чидам, зўр ирода, интизомни талаб қилади. Бу жараён бамисоли игна билан қудук кавлашга монанддир.

Раззоқ Ҳамроев ўзининг серқирра ижодкор эканлигини сахна режиссёрлиги борасида ҳам кенг намоиш қила олди. Унинг салоҳияти, юксак маҳорати, айниқса, мусиқали драма сингари мураккаб жанрда кўзга ташланди. Унинг бошчилигида сахналаштирилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Нурхон”, “Ватан ишқи”, “Гули сиёҳ”, “Тошболта ошиқ”, “Жон

қизлар”, “Фарғона тонг отгунча”, “Олтин кўл” каби ўнлаб спектакллар томошабинларнинг ихлосини қозонган бўлиб, улар хотирасида ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Раззоқ Ҳамроев режиссёрлик фаолияти давомида жами бўлиб 78 спектаклни сахналаштирган.

### **Кинода**

“Кинодаги ижодим ва яратган образларим ҳақида фикр юритишдан олдин, баъзи мени ўйлатиб қўйган мулоҳазалар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Мен ёш кино мухлисларидан жуда кўп мактублар оламан. Кўп йиллик тажриба, катта-катта устозлар билан мулоқотлар, 50 дан ортиқ кинофильмлардаги яратган образларим самараси ўлароқ тўпланган фикрлар билан ўртоқлашсам дейман. Хатларда ҳам, учрашувларда ҳам кўпинча: “Театрми ёки киноми? Қайсиниси сиз учун сеvimлироқ? – деб сўрайдилар. Бу саволга мудом битта жавоб бераман: ҳар иккиси ҳам мен учун қадрли, сеvimли. Аммо бошқа бир гап бор бу ерда. Аввало, театрдами, кинодами драматургия пишиқ, топширилган роль материалга бой, характерлари муаллиф томонидан тўла чизилган ва режиссёр ўз ишида моҳир, фикри теран бўлса: ўша актёр учун энг сеvimли ижодий иш бўлади. Кинони суратга олишда содир бўладиган жуда қийин шароитларда ҳам актёр ижодий ҳолатни сақлаб тура олиши учун маҳорат, тажрибага бой бўлиши, айниқса, руҳини тетик, шодиёна тута билиши шарт, буларсиз актёр ўз ижоди самарасини кўра олмайди.

Театр актёр маданиятини, тафаккурини, унинг эмоционал сезгисини ривожлантириш йўлида, унинг маҳоратини бойитиш йўлида бир мактаб – лаборатория деб қиёс қилсак, кино эса актёрнинг техникасини юксалтиради, образ чизигини, суратини белгилашда, образ қобиғига киришда, унинг ҳаёти билан яшаш йўлида яшин тезлигида алангаланиш, хоҳлаган вақтда, қачон лозим бўлса, заргарона ҳолатга кириш техникасини эгаллашга мойил қилади, актёрнинг тасаввурини, фантазиясини бойитади”.

Раззоқ Ҳамроевнинг киносанъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳам ниҳоятда баракалидир. Актёр ўзининг экранда яратган дастлабки образи – Нозим (“Тоҳир ва Зухра”, 1943 йил)дан сўнг, 1948 йилда “Алишер Навоий” бадиий фильмида буюк Алишер Навоий образини ўта муваффақиятли яратишга эришди. Ҳассос санъаткор экранда яратган мазкур образ кўп миллатли кинонинггина эмас, балки жаҳон киносининг энг катта ютуқларидан бири бўлди. “Алишер Навоий” фильми жаҳондаги жуда кўп мамлакатларда намоиш этилиб, миллионларча санъат мухлисларининг меҳрини қозонди ва актёрга ниҳоятда катта шуҳрат келтирди. Мазкур фильм ва Алишер Навоий ролининг беназир ижрочиси давлат мукофотига ўша йилларнинг ўзидаёқ сазовор бўлиши бежиз эмасди. Ҳали ҳануз бу фильм мухлисларни мафтун этиб келмоқда. Умуман, кинофильмларда 80 ролни қойилмақом қилиб ижро этди.

### **Режиссёрлик санъати**

“Режиссёрлик санъати яхлит, ягона, уйғунлашган бадиий асар яратмоқ мақсадида спектаклнинг бутун элементларини ёки компонентларини ижодий ташкил қилишдан иборатдир. Режиссёр бу мақсадига ўзининг ижодий тафаккури туфайли пьесанинг саҳнавий туғилиши, яъни спектакль холига келтирмоқ учун бутун иштирокчилар (актёр, рассом, бастакор ва бошқа қатнашувчилар)ни – ҳаммасининг ижодий фаолиятини ташкил этиш орқали эришади. Театр, маълумки, қийин санъат турига киради. У кўп санъатларнинг бирлашмасидан пайдо бўлади, яъни синтетик санъатдир. Шунинг учун режиссёр тафаккури ҳамма томонни қамраган ва уларни бирлаштирган ҳолда бўлиши керак.

Мен талабалик давримда (1953) “Душманлар” пьесасининг режиссёр планини ёздим. Бу ишим ўша вақтда республика бўйича талабалар илмий иши конкурсида диплом билан тақдирланган эди.

“Театр ҳаётни акс эттиради”, дейди К. С. Станиславский. Мана шу қонун актёрдан, ижодкордан, биринчи навбатда, ҳаётни ҳар тарафлама, чуқур ўрганиш кераклигини тақозо этади.

Афтидан, ҳаётим мазмунидан рози эмасман, дейишга ҳаққим йўқ. Унда адолатсизлик бўларди, шубҳасиз. Умрбод ўз ҳунаримни севдим, усиз бирор соат яшаш мумкинлигини тасаввур ҳам этолмайман. Давлатимиз шонли халқи миллионлаб фарзандлари қатори мени ҳам камолга етказди”.

### **Санъатга фидойилик**

Раззоқ Ҳамроев нафақат катта актёр, балки йирик режиссёр ҳам эди. Бу ўринда биргина мисол келтириб ўтишнинг ўзи етарлидир. Бундан қирқ йил муқаддам, яъни Маннон Уйғур каби аллома билан ёнма-ён туриб “Мавлоно Муқимий” мусикали драмасини қўйишдаги, Раззоқ аканинг маърифатпарвар ўзбек шоири Муқимий сиймосини яратишдаги елиб-югуришлари, жонкуярлиги театрнинг кекса вакиллари кўз ўнгида ҳали-ҳали турибди.

Раззоқ Ҳамроев тиниб-тинчимас инсон эди. Кейинчалик ана шу томошанинг яна икки марта қайтадан сахнага қўйилгани фикримиз далилидир. 1964–1975 йиллардаги томошанинг сўнгги вариантыга бош режиссёрлик қилди ва постановкачи бўлди.

1946 йилдан то умрининг охиригача Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрида режиссёр, бош режиссёр, етук ролларнинг ижрочиси бўлиб ишлаб, сахнада бири-биридан ранг-баранг томошалар қўйган, бири-биридан ранг-баранг сиймолар яратган устозимизнинг ҳаёт ва ижод йўллари чиндан ҳам ибратлидир.

Улуғ санъаткор, моҳир педагог сифатида ёш театр кадрларини тарбиялаш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Раззоқ Ҳамроев Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтининг профессори сифатида қизгин фаолият кўрсатди. У ўз оила аъзолари сафидан ҳам санъаткорлар етишиб чиқишига катта аҳамият бериб келди.

Бугунда актёрнинг авлоди санъатни ривожлантиришда тинмай меҳнат қилишмоқда. Қизи Гули Ҳамроева – Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори, неваралари: Бегзод Ҳамроев – актёр, Зулфия Ҳамроева – Республика Ёш томошабинлар театрида режиссёр, Нодира Ҳамроева – раққоса ва режиссёр-балетмейстер.

Шунингдек, Раззоқ Ҳамроевнинг яна бир невараси Улуғбек Ҳамроев Бутунроссия Давлат кинематография институтини тамомлаб, ҳозирда Москвада истиқомат қилмоқда. Оператор ва клипмейкер. 1982 йил режиссёр Георгий Бзаровнинг “Чужая пятёрка” мелодрамасида Тейлок ролини ижро этди. Улуғбек дастлаб операторлик амалиётини Голливудда ўтаган. Оператор сифатида “Человек-амфибия” (қайта ишлангани), “Дневной Дозор” (тарихий қисми), “Гладиатрикс” ва “Оратор” каби машҳур фильмларни суратга олган. Ҳозирда у нафақат Россияда, балки Европада ҳам клипмейкер сифатида танилган. Ҳамроевларнинг тўртинчи авлоди Улуғбекнинг 7 ёшли ўғли Дани 2007 йилда Буюк Британия Қироллиги балет академияси томонидан ташкиллаштирилган рақс кўрик танловида ғолиб чиқиб, “Лондон мэри” стипендиясига лойиқ деб топилди.

Ҳа, халқ санъаткори юксак эъзозланди, унга Халқ артисти унвони берилди. У бир қатор Давлат мукофотига сазовор бўлди. Халқлар дўстлиги, “Хурмат Белгиси” орденлари билан мукофотланган. 2003 йил “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Юлдузлар сўнар эмиш-у, шуъласи мангу порлаб турармиш. Раззоқ Ҳамроев истеъдод юлдузининг жозиба нури ҳам ҳамон порлаб турибди.

### **Раззоқ Ҳамроев ҳақида хотиралар**

Раззоқ Ҳамроев ниҳоятда банд ижодкор эди. У киши – Муқимий театрида бош режиссёр, ҳам актёр, институтда эса домла. У ҳам кинода суратга тушарди, ҳам дубляжда иштирок этарди. Мен киностудияда киномеханик бўлиб ишлаб юрганамда, Раззоқ ака овоз бергани дубляжга келарди. Устоз

вакти йўқлигидан кўпинча кечки сменада қолиб, соат 12 дан эрталаб 6 гача ишларди. Бир куни эрталаб дубляждан чиқиб кетаётганимизда, у киши менинг чўнтагимга 5 сўм пул солиб қўйди. Йўқ, керак эмас десам, у киши: “Ўғлим, сиз олиб қўйинг. Ахир, сиз ҳам мен билан баравар эрталабгача ишладингиз”, деганди.

**Афзал Рафиқов,  
Ўзбекистон халқ артисти**

Раззоқ ёш бўлишига қарамай, подачилик қилиб, деҳқончиликда акаларига ёрдам берарди. У қишлоқдаги мактабга қатнаб, саводини чиқаради. Кейин акаларидан Тошкентга бориб ўқиш учун маблағ беришларини илтимос қилади. Аммо улар бунинг иложини қилишолмагач, поездга осилиб, вагон тепасида ётиб кетишга ҳам рози бўлади. У замонларда талабалар кам бўлгани учун саводи бор болалар билим юртига қабул қилинаверарди. Раззоқ Ҳамроевни ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртига қабул қилишади. Ўқиш тугагач, Наманганга қайтиб, 1929 йилдан 1931 йилгача турли мактабларда ўқитувчилик қилади.

Шу вақтларда Раззоқ Ҳамроев ҳаваскорлар тўғарагига қатнашишга, “Кўк қўйлак” номли гуруҳда баъзи ролларни ижро этишга муваффақ бўлади. Кейинчалик Наманган театри раҳбарияти уни ишга таклиф этади. Буюк санъаткор 15 йил Наманган театрида актёр ва режиссёр сифатида фаолият юритади. 1946 йилдан умрининг охиригача Муқимий номидаги мусикали драма театрида актёр ва бош режиссёр сифатида фаолият кўрсатган.

Фильмни суратга олиш пайтида оддий кишилар Раззоқ Ҳамроевни Алишер Навоий кийимида ва гримда кўриб, буюк шоир деб қабул қилишиб, ҳурмат-иззат кўрсатишган. Ҳаттоки, бола туғилса, исмини Алишер қўйишган. Бир куни бир аёл боласини бағрига босиб, Раззоқ Ҳамроевга илтижо қилади: “Болам кўпдан бери бемор; қўлингизга олиб нафасингиздан баҳраманд этсангиз, ажаб эмас, тузалиб кетса...”

Раззоқ Ҳамроев жон-дили билан болани бағрига босиб, сўнг онасига қайтариб берган. Фильм тайёр бўлгач, ҳалиги она боласини етаклаб келиб, “Мана, ўша сиз дам солган бола, тузалиб кетди”, – деб миннатдорчилик билдирган.

**Зикир Муҳаммаджонов,  
Ўзбекистон халқ артисти**

Дадам табиатан босиқ, вазмин, тўғрисўз, меҳнатсевар, касбига фидойи инсон эди. Театр ва кино ривожига учун жонини аямасди. Ёшлигимданоқ у кишининг шеър ўқишига ҳавасим келарди. Дадамнинг қўлидан ҳеч китоб тушмасди. Эркатоё бўлганлигим учун менга кўпроқ эътибор берарди. Айтганим айтган, деганим деган эди. Алишер Навоий номли театрдаги спектаклларда мустақил партия ўйнашни жуда истаб, у кишидан илтимос қилганимда, ўзлари театр бадиий раҳбаридан мени синаб кўришини сўраган. Шунда “Дон Кихот”да Китри партиясини олқишлар билан ижро этиб, юзларини ерга қаратганим учун севинчдан ёш боладек йиғлагани ёдимда.

**Гули Ҳамроева, кизи,  
Ўзбекистон халқ артисти**

Устозимни кенг жамоатчиликка яқиндан танитган, у кишини элга машҳур қилган образ – дунё экранларини кезиб чиққан “Алишер Навоий” фильмидаги Навоий! У киши Навоий образини беназир яратган истеъдодли актёр сифатида ўзбек кино санъати тарихида ўчмас из қолдирди ва ўзига бадиий ҳайкал ўрнатди.

Раззоқ Ҳамроев қирқинчи йиллардан бошлаб кино актёри сифатида ҳам шуҳрат қозона бошлади. У экранда йирик ва чуқур фалсафий образлар яратди.

**Марям Ихтиёрова,  
Ўзбекистон халқ артисти**

Раззоқ Ҳамроев институтда гуруҳимиз раҳбари эди. 2-босқичда ўқиб юрган пайтимизда, “Сизлар қийналяпсизлар, кизларим, стипендияларинг етмаяпти”, – деб Марям Ихтиёрова иккимизни театрға олиб келган. 35 сўмдан ойлик олардик. 4-босқичга ўтганимиздан кейин домла бизларга қаҳрамонлар образини ишониб топшира бошлаганди. Санъатда эришган ютуқларимизда домланинг ҳиссаси бекиёс.

**Гулсара Ёқубова,  
Ўзбекистон халқ артисти**

Қайнотам билан 28 йил театрда ишладим, 40 йил бирга яшадик. У киши касбини жуда яхши кўрарди. Умрининг сўнгги кунларигача саҳнани тарк этмади. Давосиз “жигар саратони” касалига дучор бўлиб, аввалига юкумли касалликлар шифохонасида ётиб даволанди. Кейин “сизни операция қилиш керак”, деб академик Воҳидов у кишини “Грудной хирургия”га ётқизди. Операциядан яхши чиқди. Шифокор қайнотамнинг руҳиятини кўтариш учун “Сиз сариқ касал бўлиб, ўтказиб юборибсиз. Энди тузалиб кетасиз”, – деб ёлғон гапиришга мажбур бўлган. Узоқ умр кўрмаслигини шифокор бизга айтганди. Шифохонадан чиқиши билан “Мен ҳали узок яшайман”, – деб ишини давом эттирди. Парҳезга қаттиқ риоя қилиб, кўлида термосда сут кўтариб юрарди. 70-йиллик юбилей кечасида мазаси бўлмайд иситмаси 39–40 га чиқиб кетди. Ана шунда ҳам икки ярим соатда тик туриб рақсга тушади.

Кеча тугаши билан “Тез ёрдам” машинаси шифохонага олиб кетди. Жонлаштириш хонасида ўлим билан олишиб ётганида, қайнонамга “Раҳбархон, беш бармоқ егим келяпти”, – деган экан. У киши жуда ҳам беш бармоқни яхши кўрарди.

**Мукаррам Ҳамроева,  
келини**

## Раззоқ Ҳамроевнинг кўрган, билган, кечирганлари “Ҳаётим мазмуни” китобида

Мен бир санъаткор сифатида севган ижодим ҳақида, театр ва кинодаги изланишларим, машаққатларим ҳақида, гоҳо бу йўлда хориб, гоҳо ижод самарасидан завқланганларим ҳақида ҳикоя қилиб беришга журъат этдим. Китоб ёзиш осон эмас. Эллик йилга яқин санъатдаги ҳаётим, уринишларим, изланишлар меҳнат ва муҳаббат уйғунлигида давом этди. Аслида бу китобимни “Меҳнат ва муҳаббат” деб атасам ҳам бўларди. Лекин шу меҳнат ва санъатга бўлган муҳаббат ҳаётимнинг моҳиятини ташкил қилгани учун уни “Ҳаётим мазмуни” деб атадим. Зотан мен умримни сарф қилган севимли ижодим театр ва кинода ўтди. Театр ва кинонинг олий вазифаси эса, халққа хизмат этиш, халқни ғоявий ва эстетик тарбиялашдек муқаддас бурчни ўтайди. К. С. Станиславский: “Санъатни ўзингда сев, ўзингни санъатда эмас”, – деган эди.

Жонажон юртимиз санъатимиз ривожига ва унинг келажаги бўлмиш ёш ижодкорларга тинмай ғамхўрлик қилиб келаётир. Ёшлар санъатимиз ривожига сари янги-янги йўллар очадиган қудратли келажагимиздир. Менинг китобим ҳам шу йўлда хизмат қилар, деган умиддаман. Санъатга кириб келишимни хотира сифатида, ёшлиқдан, ҳаваскорлик тўғрақларидан бошладим, зеро, профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати бир-биридан ажралган ҳолда яшамайди. Хотираларимда санъатда ва адабиётда маълум жой олган алломалар, ҳамкорлар ҳақида, театр санъати, кино санъати ва артист ижодида бу санъатларнинг ижрочилик нуқтаи назаридан тафовути борми-йўқми, бу соҳадаги мушкул дақиқалар, хурсандлик онлари, кутилмаган ҳодисалар ҳақида сўзладим. Менинг санъатдаги фаолиятим артистлик, режиссёрлик ва ўқитувчилик соҳаларида давом этди. Бу йўлда драматурглар, композиторлар билан ишлашга тўғри келди, гоҳо ўзим ҳам қаламим кучини синаб кўрдим. Шулар ҳақида ҳам гапириб ўтсам, тузук бўлар, деб ўйладим.

Ҳар қалай, китобимда айтилган кўп йиллик тажрибаларим санъат оламига қадам қўяётган ёшлар, ишлаётган ҳамкасбларимга ва санъат мухлисларига озми-кўпми манфаат етказса, уларни қизиқтирса, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблайман.

### **Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим саналар**

Раззоқ Ҳамроев – 1910 йил 30 ноябрда Бухорода туғилган.

1930 йил Тошкентдаги ўлка эрлар билим юртида таҳсил олган.

1931–1945 йилларда Наманган мусиқали театрининг актёр ва режиссёри.

1946 йилда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри.

1954 йилда Тошкент театр ва рассомлик институтининг ўқитувчиси.

1959–1976 йилларда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри.

1978 йилда “Тоҳир ва Зухра”, “Рустам”даги роллари сахнадаги илк образларидир.

1948 йил “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвони, Давлат мукофоти совриндори.

1969 йил Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган.

1981 йил 5 майда Тошкентда вафот этган.

2003 йил “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

### **“Кино ва театр санъати устаси” мавзусидаги давра суҳбатининг намунавий сценарийси**

АКМ ва АРМларда тадбирни ўтказишдан олдин эълон ёзилади. Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум! Хурматли даврамиз иштирокчилари ва санъат шайдолари. Бугун сизлар билан Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театри актёри ҳамда режиссёри Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Кино ва театр санъати устаси” мавзuidaги давра суҳбатига йиғилдик. Ушбу тадбирда Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида фикр юритамиз. Бугунги давра суҳбатимиз меҳмонлари билан сизларни таништираман.

*Давра суҳбати меҳмонлари билан таништирилади.*

Суҳбатимиз давомида саволларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса билдиришингиз мумкин.

Ўзбек миллий маданиятининг улкан намояндаси, театр ва кино санъати равнақига бекиёс ҳисса қўшган, ўзига хос мактаб яратган тенгсиз санъаткор Раззоқ Ҳамроев ҳақида гапириб бериш учун сўзни Ўзбекистон халқ артисти \_\_\_\_\_ га берсам. Марҳамат!

**Ўзбекистон халқ артисти:** Ассалому алайкум, санъат ихлосмандлари. Юқорида айтиб ўтилганидек, Раззоқ Ҳамроев тенгсиз санъаткордир. Лекин, у, биринчи навбатда, актёр сифатида машҳурдир. Унинг санъати, ижро этган жонли роллари билан ажралиб туради. Аксар ижро этган ролларини томоша қилганимда, муайян ҳаётий ҳодисаларни кўришимиз мумкин.

Актёр яратган Алишер Навоий сиймоси буюк мутафаккир, улкан шоир, адолатпеша, элпарвар давлат намояндаси бўлиб, экрандан жозиба, нур сочди. Минг-минглаб кишиларнинг ғурурини оширди, одамларда буюк ватанпарвар санъаткорга нисбатан янада кучлироқ меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотди. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Раззоқ Ҳамроев кинода яратган образлар бамисоли сомон йўлидаги юлдузлар сингари кўпдир. Аммо у экранда ижро этган Алишер сиймоси санъат арбобининг кинодаги барча образларининг гултожидир, десам хато бўлмаса керак. Ушбу роль наинки ўзбек халқи, балки жаҳон кино санъати хазинасига дурдона бўлиб қўшилди, уни ер юзидаги жуда кўп мамлакатларнинг кино мухлислари завқ билан томоша қилдилар.

**Бошловчи:** Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Эндиги сўз навбати элимиз суйган театршунос \_\_\_\_\_га берилади.

**Театршунос:** Ассалому алайкум, давра суҳбатига йиғилган азиз меҳмонлар. Биз шу чокқача Раззоқ Ҳамроевни элимизнинг сеvimли санъаткори деб билардик. 1946 йилдан эса Муқимий театрида аввал актёр, сўнгра режиссёр бўлиб хизмат қилди. Очигини айтганда, Муқимий номли театр унинг ҳақиқий ижодий уйига, ижрочилик, режиссёрлик, педагоглик борасидаги энг мураккаб ва ажойиб жанрлардан бири бўлмиш мусиқий драмадаги изланишлари учун чинакам устахона, маҳорат мактаби бўлиб қолган эди. Қанчадан-қанча муаллифларнинг пьесалари, мусиқалари дастлаб мазкур театрда қанот қоқиб эл ичига, ҳатто бошқа театрларга парвоз этмади, қанчадан-қанча ёш истеъдодлар устоз билан ёнма-ён туриб, сахнадаги илк қадамларини бошламади дейсиз. Бу ердаги 35 йил ижодий ҳаёт санъаткорга ва театр маданиятига яхши самаралар берди. Бадиий жиҳатдан етук ўнлаб образлар яратилдики, улар мухлислар қалбидан чуқур ўрин эгаллади.

Ҳақиқий санъаткор ҳаётлигидаёқ икки фазилати билан саховатли иши боис ўзига ҳайкал қўяр экан, бири – яратган асарлари, иккинчиси – тарбиялаб етиштирган шогирдлар, издошларидир. Раззоқ Ҳамроев устоз сифатида етиштирган шогирдлар жуда кўп. Улар бугунги кунда республика ва вилоят театрларида Ўзбекистон радио ва телевидениесида, ҳамда “Ўзбекфильм” киностудиясида муваффақиятли хизмат қилиб келмоқдалар. Ушбу салоҳиятли санъаткорни ва устодни забардаст бир чинорга ўхшатса бўлади. Шарофатли илдизи театр ва кино санъати сарчашмасидан баҳра олиб етишган ушбу забардаст чинор – санъаткор, педагог ўз оиласида ҳам ижодга меҳр, санъатга ихлос ва муҳаббат қулочини ёздирди. Бу оилани ҳамма “санъаткорлар оиласи” дейиши бежиз эмас...

**Бошловчи:** Раҳмат. Ҳозир сизга савол билан мурожаат қилмоқчи бўлганларга юзлансак-да, сўнгра суҳбатимизни давом эттирсак. Марҳамат, саволингизни эшитамиз.

**Савол:** Раззоқ Ҳамроев билан Олим Хўжаев ўртасида муносабат ҳақида гапириб берсангиз. Маълумки, сахнада Алишер Навоий образини Олим Хўжаев ижро этган бўлса, кинода эса Раззоқ Ҳамроев гавдалантирган.

**Театршунос:** Бир куни Раззоқ Ҳамроев театрға кириб келганида, олдидан Олим Хўжаев чиқади. Шунда у киши тиз чўкиб, Олим аканинг қўлларидан ўпиб, кўзларига суртган. Олим ака эса: “Йўқ-йўқ, туринг-туринг”, – деб Раззоқ Ҳамроевни икки тирсагидан кўтариб турғизган. Сўнг ўзи тиз чўкиб, Раззоқ Ҳамроевни қўлларидан ўпган экан. Уларнинг бир-бирига бўлган хурмат-эҳтироми юксак бўлган.

**Қатнашчи:** Ҳурматли бошловчи, мумкин бўлса, шу ерда Раззоқ Ҳамроев ҳақида бир оғиз айтиб ўтсам. Раззоқ Ҳамроев ўзбек театри ва кино санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бетакрор истеъдодини юрт иқболи, миллат тараққиётига бахшида этган фидокор инсонлардан бири эди. Устоз санъаткор ижодини уч йўналишга бўлиб ўрганиш орқали жуда кўп нарсаларни англаш мумкин. Биринчиси, унинг актёрлиги, иккинчиси, мусиқали театрдаги режиссёрлиги, учинчиси, унинг педагогик фаолиятидир.

Маълумки, актёр ижоди театр санъатининг қалби ҳисобланади. Шу боисдан ҳам “Саҳнанинг ягона шоҳи ва ҳукмрони истеъдодли актёрдир”, дейилади. Шу сабабли театр санъати илмида актёр мавзуси ҳамиша долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, Раззоқ Ҳамроев “Тоҳир ва Зухра” фильмида ўз маҳоратини намоён этган. “Тоҳир ва Зухра” фильми ҳаққоний афсонадир.

**Бошловчи:** Ҳа, ҳақиқатан ҳам, жуда тўғри таъкидладингиз. Юртбошимиз И. А. Каримов ҳам “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бизда кино соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан қайд этганларида, биринчи навбатда, “Тоҳир ва Зухра” фильмини тилга оладилар.

Энди сўз навбатини журналистга бераман. Марҳамат.

**Журналист:** Экрандаги умри ўн олти йиллик билан ўлчанадиган ушбу дурдона нима сабабдан қайта-қайта намойиш этилади, миллионларни мафтун этади, ўз қийматини

йўқотмайди? Шу кунгача бу каби саволларга анъанавий жавоблар, баландпарвоз сўзлар ила жавоб бериб келинган. Аслида эса, фильм ижодий гуруҳининг нафақат маҳорати, балки жасорати ҳақида, режиссёрнинг малакаси эмас, фуқаролик бурчини адо этгани, фақат афсонанинг гўзаллиги борасидагина эмас, балки уни XX асрда ихтиро қилинган кино, телевидение нуқтаи назаридан таҳлил қилиш методологияси ишлаб чиқилгани ҳақида, XV асрда битилган халқ достонига ҳаётийлик, ҳаққонийлик мезонларини ёдда сақлаган ҳолда ёндашилгани, бинобарин, ижронинг бенуқсонлиги, ҳаётийлик, самимийликнинг ёрқин ифодаси даражасига кўтарилганлиги ҳақида мулоҳаза юритиш тўғри бўлар, менимча. Балки, бу каби мулоҳазалар кимгадир эриш туюлар. “Тоҳир ва Зухра”нинг ўзбек, тожик, татар ва бошқа тиллардаги вариантлари санъат даражасига кўтарилган кино ҳамда эндигина ихтиро қилиниб, синовдан ўта бошлаган телевидение нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунда мазкур достонни яширинча, уйма-уй айтиб юрадиган бахшиларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, сценарийга ва фильмга Нозим образи киритилган. Бу ролни ижро этган театр актёри Раззоқ Ҳамроев Нозим образининг фақат ҳикоянавис, эпизодларни бир-бири билан боғлаб турувчи унсур эмас, балки лирик-драматик воқеаларнинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлишини ҳам таъминлаган.

Дастлабки кадрларда “...кўҳна севги достонини айтиб берай”, – деб сўз бошлаган Нозим – Раззоқ Ҳамроев сўнгги кадрларда ҳам пайдо бўлиб: “Улар бир кунда бу дунёга келдилар, бир кунда кетдилар”, – деб фожеага якун ясайди.

Фильм давомида воқеаларнинг гувоҳи, бевосита иштирокчиси сифатида намоён бўлган оғир табиатли шахс Тоҳирнинг ёнида бўлади, унга ҳикматли сўзларни айтади, мавриди келганда, биз – томошабинларга қарата ҳам ибратли ибораларни айтади. Биргина мисол: Сардорни дор остида кўрган хон Бобоҳон (артист Асад Исматов) Нозимга: “...битинг тарих саҳифаларига: менинг энг бахтиёр куним бу...”, – деб талаб қилганида, у – Раззоқ Ҳамроевнинг қаҳрамони кўлига қалам олиб, томоша залидагиларга ўйчан боқиб: “Халқнинг энг оғир

мусибатли куни эди бу...”, – деб ёзиб қўяди. Шу каби кадрлар севги ҳақидаги кино достонининг таъсир кучини оширди, кўҳна афсонанинг янги талқинини таъминлади, унинг олий мақсадини экран эстетикаси даражасида мухлисларга етказди. Кино воситаларини излашда халқ оғзаки ижодиёти хусусиятларининг талаблари ҳам ҳисобга олинди.

Биз бу ёрқин асар билан фахрланамиз, унинг ижодкорлари олдидаги бурчимизни бажаришга жазм қиламиз. Юртбошимиз Ислон Каримов тилга олган кинонинг “ижодий мактабини яратишда” ўз хизматини ўтаган, ҳозир ҳам миллий кинематографиянинг имкониятларини эслатиб турадиган бу киноасарнинг қомусини яратиш ҳақида орзу қиламиз. Унинг катта ҳажмли, гўзал шаклда, кенг қамровли бўлишини тасаввур этиб, режалар туза бошлаймиз.

**Бошловчи:** Ташаккур. Раззоқ ака кино ва театр санъатида ўзига хос ўлмас ҳайкал ўрнатди. Раззоқ Ҳамроев каби покиза ва камтарин инсон бўлмоқ, ёш авлодни ана шундай муҳтарам зотлар тимсолида тарбияламоқ устоз хотирасига чинакам эҳтиромдир. Шу билан бугунги давра суҳбатимиз ўз ниҳоясига етди. Хайр, саломат бўлинглар!

### **Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва ижодий фаолиятини ҳамда у ҳақидаги манбаларни биласизми?**

#### **Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Танловнинг асосий мақсади Раззоқ Ҳамроев ижодига, у ҳақидаги хотиралар, у ижро этган спектакллардаги роллари орқали китобхонлар қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин 5–6 кишидан иборат 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга, асосан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар, магистрлар, аспирантлар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур. Беллашув ўтказиладиган жойда Раззоқ

Ҳамроевнинг ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи кўрғазмани ташкил этишни тавсия қиламиз.

Куйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Раззоқ Ҳамроевнинг Моҳир Аҳмадий билан ҳамкорликда яратган 1- драмасини айтинг:

*(1937 йили “Тошпўлат” драмаси).*

2. Раззоқ Ҳамроев яратган спетаклларининг тематикаси қандай эди?

*(Драматик, психологик).*

3. Раззоқ Ҳамроев II жаҳон уруши даврида қандай мусиқали пьесалар яратган?

*(“Меҳнат эгалари”, “Кўклам тўлқини”, “Тухфа”).*

4. Р. Ҳамроев қайси театрларда қандай спектаклларни сахналаштирган?

*(Наманган театрида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Рустам”; Муқимий театрида “Нурхон” (К. Яшин), “Муқимий” (С. Абдулла), “Фарғона тонг отгунча” (М. Исмоилий), “Тошболта ошиқ” (Ҳ. Фулом) спектаклларини).*

5. 1946 йилларда Раззоқ Ҳамроев Муқимий театрида қайси лавозимларда ишлаган?

*(Аввал актёр, сўнгра режиссёр ҳамда бош режиссёр).*

6. Раззоқ Ҳамроев бутун ижодий фаолияти давомида сахналаштирган спектакллар сонини айтинг?

*(78 спектаклни).*

7. Раззоқ Ҳамроев “Ўткан кунлар” спектаклида қайси ролни ижро этган?

*(Раззоқ Ҳамроев “Ўткан кунлар” спектаклида Мирзакарим қутидор ролини ижро этган, ).*

8. Раззоқ Ҳамроевнинг педагогик фаолияти ҳақида қандай маълумотларни биласиз?

*(Театр ва рассомчилик институтида 30 йил давомида мусиқали драма актёрлари тайёрлаш кафедрасига раҳбарлик қилган).*

9. Раззоқ Ҳамроевнинг кино санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси қандай?

*(Раззоқ Ҳамроев кино санъати ривожига ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Жумладан, у “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ва бошқаларда ранго-ранг ва унутилмас ролларни ижро этиб, мухлисларнинг улкан муҳаббатини қозонди ва санъатнинг улкан жабаҳасида ҳам улар боқийликка юз тутди).*

10. Раззоқ Ҳамроев кинода ўйнаган ва унда катта шуҳрат келтирган, роли қайси?

*(Алишер Навоий).*

11. Раззоқ Ҳамроевнинг изидан борган фарзандлари ва бошқа оила аъзоларини биласизми?

*(Раззоқ Ҳамроевнинг қизи Гули Ҳамроева Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театрининг етакчи раққосаси Ўзбекистон халқ артисти; Неваралари – Бегзоб Ҳамроев актёр, Зулфия Ҳамроева Республика Ёш томошабинлар театрида режиссёр, Нодира Ҳамроева раққоса ва режиссёр – балетмейстер).*

12. Раззоқ Ҳамроев ўзининг санъатдаги 50 йилга яқин ҳаёти, изланишлари, меҳнати ва муҳаббати уйғунлигида қайси асарини яратган ва у қачон нашр қилинган?

*(1979 йил “Ҳаётим мазмуни” китобини).*

13. Мустақиллик йилларида актёр қайси орден билан тақдирланган?

*(“Буюк хизматлари учун” ордени).*

14. Раззоқ Ҳамроевнинг меҳнатлари қандай тақдирланган?

*(1948 йил “Ўзбекистон халқ артисти”, 1969 йил “Ўзбекистон Давлат ” мукофоти, 2003 йил “Буюк хизматлари учун”).*

15. Раззоқ Ҳамроев бу ёруғ дунёни қачон тарк этган?

*(1981 йилда Тошкентда вафот этди).*

Беллашув давомида ҳакамлар гуруҳларни баҳолаб борадилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа ва

батафсиллиги эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади.

### **“Санъаткор жозибаси” мавзуида китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва фаолиятининг илк саҳифалари**

*Санъаткор нафақат ўтмиш,  
ҳозирги ҳаётни ҳам тўғри тушунсин, у  
келажакни ҳам кўра билиши лозим.*

*Маънура Набиева*

Бу бўлимга Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ўзбек ва бошқа тиллардаги нашрлар қўйилади.

#### **2. Раззоқ Ҳамроев театр ва кино санъатининг етук актёри**

*Саҳна ва экран “сеҳргари”нинг ярим  
асрлик ижодий фаолияти, театр ва  
кинода яратган роллари томошабинлар  
қалбини ром этган, спектакллари  
маданий ҳаётимиз тарихининг олтин  
саҳифасига айланиб қолди.*

*Б. Насриддинов*

Бу бўлимга Раззоқ Ҳамроевнинг театр ва кино саҳналаридаги роллари ҳақидаги нашрлар ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган материаллар қўйилади.

#### **3. Ҳамон барҳаёт ижод**

*Раззоқ Ҳамроев ўзбек театри ва кино санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бетакрор истеъдодини юрт иқболи, миллат тараққиётига баҳшида этган фидокор инсонлардан бири эди.*

*А. Маллабоев*

Бу бўлимга Раззоқ Ҳамроев ҳақидаги хотиралар, ёдномалар қўйилади.

**Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

**Китобхонлар конференцияси**

1. “Раззоқ Ҳамроев ижодига бир назар”.
  2. “Театр ва кино санъатининг етук актёри”.
- “Раззоқ Ҳамроев – 100 ёшда” каби мавзуларда кўргазмалар ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

**Билимдонлар беллашуви**

1. “Таниқли кино ва театр актёри фаолиятини биласизми?”
2. “Эл ардоғидаги санъаткор”.

**Давра суҳбати**

1. “Раззоқ Ҳамроев ижро этган ролларда инсонпарварлик ғояларининг улуғланиши”.
  2. “Раззоқ Ҳамроев – ўзбек театри ва кино сахнасида”.
- “Истеъдодли актёр”, “Раззоқ Ҳамроев – етук режиссёр” каби мавзуларда кўргазмалар ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

**Хотира ва қадрлаш кечаси**

1. “Раззоқ Ҳамроев ўз халқининг ифтихоридир”.
  2. “Ўлмас номинг жаҳонда”.
- “Раззоқ Ҳамроевни хотирлаб”, “Хотира уйғонса гўзалдир” каби мавзуларда кўргазмалар ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Савол-жавоб кечаси**

1. “Раззоқ Ҳамроев ҳаёти ва фаолиятига бир назар”.
  2. “Раззоқ Ҳамроев – педагог”.
- “Серқирра санъат соҳиби”, “Сахнамиз сардори” каби мавзуларда кўргазмалар ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Учрашув кечаси**

1. Жойлардаги театршунослар билан.
  2. Санъаткорлар, актёрлар билан.
- “Умри боқий санъаткор”, “Санъатга фидойилик” мавзуларида кўргазмалар ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

## Адабиётлар

Сатторов Ғ. Раззоқ Ҳамроевни шифокорлар нега алдашган?  
//Даракчи. – 2010. – 29 июль.

Маллабоев А. Иккинчи умр: Ўзбекистон халқ артисти,  
профессор Раззоқ Ҳамроев ҳақида //Театр. – 2008. – № 6. –  
Б. 32–33.

Асадова Ж. Фидойилик: Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 90  
йиллигига //Кино. – 2000. – № 4. – Б. 5.

Акбаров Ҳ. Истеъдоди бекиёс эди: Раззоқ Ҳамроев  
таваллудининг 90 йиллигига //Ватанпарвар. – 2000. – 14 нояб.

Насриддинов Б. Умрбоқий: Раззоқ Ҳамроев таваллудининг  
90 йиллигига //Халқ сўзи. – 2000. – 8 нояб.

Усмонова Н. Хотира уйғонса гўзалдир: Муқимий номидаги  
ўзбек Давлат мусикали драма театрида бўлиб ўтган Ўзбекистон  
халқ артисти, театр ва кино актёри, давлат мукофоти  
совриндори Раззоқ Ҳамроевнинг 90 йиллигига аталган хотира  
кечаси ҳақида //Халқ сўзи. – 2000. – 9 нояб.

Насриддинов Б. Диёр фарзанди: Халқ артисти Раззоқ  
Ҳамроев 80 йиллиги ҳақида //Тошкент оқшоми. – 1991. – 12  
март.

Насриддинов Б. Беназир нафосат соҳиби: Халқ артисти,  
режиссёр, театр ва кино санъаткори Раззоқ Ҳамроев  
таваллудининг 80 йиллигига //Ёш ленинчи. – 1991. – 12 март.

Ҳамид Ғулом. Санъаткор жозибаси: Раззоқ Ҳамроев  
таваллудининг 80 йиллигига //Совет Ўзбекистони. – 1991. – 12  
март.

Жўраев Ф. Ҳамон барҳаёт ижод: Раззоқ Ҳамроевнинг 80  
ёшга тўлганлиги тўғрисида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –  
1991. – 8 март.

Ҳамроев Р. Ҳаётим мазмуни: Хотиралар, мулоҳазалар. – Т.:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 224 б.

[www.cinema.uz](http://www.cinema.uz)